

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ
КУРАШИШ БЎЙИЧА
АХБОРОТ МАЪЛУМОТНОМА**



АХБОРОТ МАЪЛУМОТНОМАСИ КЕНГ ОММАНИ ОДАМ САВДОСИ МУАММОСИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МАҚСАДИДА ТАЙЁРЛАНГАН

Ушбу ахборот маълумотномасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги НПҚ-911 қарорининг "2008 - 2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастури"га (1-илова) мувофиқ одам савдоси муаммоси ёритилади.

Одам савдоси энг аввало трансмиллий кўринишга эга бўлиб, айрим ҳолларда бир давлатнинг ўзида ҳам чегараланади. Одамлар бир давлат чегарасидан иккинчи давлатга қонуний ўтказилиш билан бир каторда ноқонуний ўтказиладилар. Баъзан одамлар олдиндан уларни қандай иш қутаётганини ва уни қандай шароитларда амалга оширишлар мумкинлигини тасаввур қилишмайди.


Бу каби ҳолатларда одамлар чегарадан олиб ўтилганларидан сўнг қоида бўйича уларнинг паспортлари олиб қўйилади ва сотувчилар томонидан улар шу йўл билан тобе қилинади. Шантаж, рухий ва жисмоний босим ўтказилиши бошланади. Меҳнат

ҳакки учун ваъда қилинган пуллар умуман тўланмаслиги, тўланса ҳам фақат кундалик харажатлар учунгина берилиши мумкин.

Ушбу муаммо бутун дунёда кенг тарқалди ва Ўзбекистонга ҳам бевосита дахл қилди. Одам савдоси муаммоси нафақат Ўзбекистон Республикасига балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам характерлидир.

Халқаро ҳамжамият инсон ҳуқуқларининг бу каби жиддий бузилишидан хавотирланиб, ушбу муаммони бартараф этиш борасида ҳуқуқий база тайёрланиши ва муаммога қарши курашишда амалий ишларни йўлга қўйиш борасида ҳаракатларни бошлади.

ОДАМ САВДОСИНИ ТЎХТАТИШ БИЗНИНГ ҚЎЛИМИЗДА!



Ko'makchi fond

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги ЎРҚ-№154-сон Қонуни 2008 йил 17 апрелда қабул қилинди.

Қонунга мувофиқ одам савдосига қарши курашиш **қонунийлик**; **одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги**; **одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик**; **ижтимоий ҳамкорлик** принципларига асосланади.

Қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши белгиланган.

Одам савдоси муаммосининг чегара билмаслиги ва ўз камровига

барчани бирдек тортишига алоҳида эътибор бериб, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилиши, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши ва албатта уюшган жиноий гуруҳларга қарши кураш олиб бориш борасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ **Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси** (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда НПК-911 қарори 3-илова) **тузилиб, унинг асосий вазифалари белгиланди**, жумладан:

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

одам савдосининг кўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;

худудий идоралараро комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш бўйича тадбирларини ташкил этиш;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар фаолиятини идора этиш ва назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда НПК-911 қарорининг "2008 - 2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастури"** (1-илова) тасдиқланди ва тадбирлар режасида

- одам савдосига қарши курашиш доирасидаги ҳуқуқий норматив базани такомиллаштириш;
- аҳолини хабардор қилиш ва профилактика;
- жабрланганларни ҳимоялаш ва уларни реабилитация қилиш;
- одам савдосига қарши курашиш бўйича чораларни такомиллаштириш борасида аниқ ҳуқуқий-амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Одам савдоси жиноятини олдини олиш, қарши курашиш ва ушбу турдаги жиноят жабрланувчиларини химоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 135-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида № ЎРҚ - 179 сонли Қонун қабул қилинди.

Маъқур қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 14 августда қабул қилинди, Сенат томонидан 2008 йил 29 августда маъқулланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ 135-МОДДА. ОДАМ САВДОСИ

Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш -

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ожиз ахволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки

уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига қўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, -

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

2) саккизинчи бўлим қуйидаги мазмундаги атама билан тўлдирилсин:

Одамлардан фойдаланиш - бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш.

ЎЗР ЖК ОДАМ САВДОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИДА ҚўЛЛанилувчи моддалар

97-модда. Қасддан одам ўлдириш

103-модда. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш

104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш

105-модда. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш

109-модда. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш

110-модда. Қийнаш

112-модда. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш

114-модда. Жиной равишда хомила тушириш (аборт)

115-модда. Аёлни ўз хомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш

118-модда. Номуста тегиш

119-модда. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш

121-модда. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш

127-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш

128-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш

129-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш

130-модда. Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш

131-модда. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш

133-модда. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш

137-модда. Одам ўғрилаш

138-модда. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш

165-модда. Товламачилик

168-модда. Фирибгарлик

208-модда. Ҳокимият ҳаракатсизлиги

210-модда. Пора олиш

211-модда. Пора бериш

212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш

214-модда. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш

223-модда. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон

Республикасига кириш

227-модда. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш

228-модда. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш

242-модда. Жиной уюшма ташкил этиш

243-модда. Жиной фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш

274-модда. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ БАЗА

Инсон ҳуқуқлари контекстида одам савдоси ва миграция масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан қуйидаги халқаро ҳужжатларни имзоланган ва ратификация қилинган:

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

БМТ Бош Ассамблеясининг 217 А(III) Резолюцияси билан қабул ва эълон қилинган, 1948 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 30.09.1991 йил N366-XII Қарорига мувофиқ қўшилди;

ҲУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

БМТ Бош Ассамблеясининг 2200 А (XXI) Резолюцияси билан қабул қилинган, имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очик деб эълон қилинган, 1966 йил 16 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 31.08.1995 йил № 127-I Қарорига мувофиқ қўшилди, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрдан кучга кирди;

ХОТИН - ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАМСИТИЛИШИНING БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ

БМТнинг Бош Ассамблеясида 34/180 Резолюцияси билан қабул қилинган ва имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очик деб эълон қилинган, Нью Йорк, 1979 йил 18 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 06.05.1995 йил N87-I Қарорига мувофиқ қўшилди, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августдан кучга кирди;

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯСИ

БМТ Бош Ассамблеянинг 55/25 сонли Резолюцияси билан қабул қилинган, Нью-Йорк, 2000 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 август N536-II Қарори билан ратификация қилинди, Ўзбекистон Республикаси учун 2004 йил 8 январдан кучга кирди;

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯСИНИ (НЬУ-ЙОРК, 2008 ЙИЛ 15 НОЯБРЬ) ТЎЛДИРУВЧИ ОДАМ САВДОСИНИНГ, АЙНИҚСА АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА УНГА ЧЕК ҚЎЙИШ ВА УНИНГ УЧУН ЖАЗОЛАШ ҲАҚИДА ПРОТОКОЛ

БМТ Бош Ассамблеяси 55-сессиясининг 62-режалаштирилган

Кенгашида 55/25 сонли Резолюцияси билан қабул қилинган, Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2001 йил 28 июнда имзоланди, Ўзбекистон Республикасининг 08.07.2008 йил N ЎРҚ-160 Қонуни билан ратификация қилинди;

ОДАМЛАР САВДОСИГА ВА ТАНАФУРУШЛИКДАН УЧИНЧИ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ФЙДАЛАНИЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ ВА ЯКУНЛОВЧИ БАЁННОМА

БМТ Бош Ассамблеясининг N317 (IV) Резолюцияси билан 1949 йил 2 декабрда тасдиқланган, 24 моддага мувофиқ 1951 йил 25 июлдан кучга кирган, Нью-Йорк, 1949 йил 2 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12.12.2003 йил. N576-II Қарорига мувофиқ кўшилди;

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан N44/25 Резолюцияси билан қабул қилинган 1990 йил 2 сентябрда 49-моддага мувофиқ кучга кирган, Нью-Йорк, 1989 йил 20 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Юқори Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги N757-XII Қарорига мувофиқ қўшилди, Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирди;

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯГА ДОИР, БОЛАЛАР САВДОСИ, БОЛАЛАР ФОҲИШАВОЗЛИГИ ВА БОЛАЛАР ПОРНОГРАФИЯСИГА ТААЛЛУҚЛИ ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛ (НЬЮ-ЙОРК, 2000 ЙИЛ 25 МАЙ)

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан N44/25 Резолюцияси билан қабул қилинган 1990 йил 2 сентябрда 49-моддага мувофиқ кучга кирган, Нью-Йорк, 1989 йил 20 ноябрь

Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 11 ноябрда NЎРҚ-188-сон қабул қилинди, Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда маъқулланди;

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА 105 КОНВЕНЦИЯ

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 40-сессиясида қабул қилинган, Женева, 1957 йил 25 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 август N498-I Қарори билан ратификация қилинди, Ўзбекистон Республикаси учун 1997 йил 15 декабрдан кучга кирди.

МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ БАЗА АСОСИДА ОДАМ САВДОСИНИ АНИҚЛАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА ҚОНУНИ

2008 йил 17 апрель
ЎРҚ-№154-сон

3-МОДДА. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

одам савдосига қарши курашиш – одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият;

одам савдоси – куч билан тахдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг калтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахсининг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамдан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамдан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки

БМТ ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯСИНИ (НЬЮ-ЙОРК, 2008 ЙИЛ 15 НОЯБРЬ) ТЎЛДИРУВЧИ ОДАМ САВДОСИНИНГ, АЙНИҚСА АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА УНГА ЧЕК ҚЎЙИШ ВА УНИНГ УЧУН ЖАЗОЛАШ ҲАҚИДА

ПРОТОКОЛ

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2001
йил 28 июнда имзоланди,
2008 йил 8 июлда N ЎРҚ-160 Қонуни
билан ратификация қилинди

3-МОДДА. АТАМАЛАР

Мазкур Протоколда:

а) «**одам савдоси**» эксплуатация мақсадида куч билан кўрkitиш ёки куч ишлатиш, ёки мажбур қилишнинг бошқа йўллари, ёки ўғирлаш, фирибгарлик, алдов, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ёки мавқеи заифлиги, ёки тўлов ёки фойда туридаги пора орқали бир шахсни назорат қилувчи бошқа шахс розилигини олиш орқали одамни ёллаш, ташиш, бериш, беркитиш ва одамга эга бўлишни англатади.

Эксплуатацияга камида фоҳишаликнинг бошқа шахслар томонидан эксплуатацияси ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа

улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлари, куллик ёки кулликка ўхшаш одатлари, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахс - мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс.

шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулдорликка ўхшаш одатлар, тобелик ҳолати ёки органларни суғуриб олиниши киради;

б) ушбу модданинг (а) пунктида санаб ўтилган эксплуатация ҳолларида ва (а) пунктида саналган бирор таъсир чоралари қўлланган бўлса, одам савдоси жабрланувчисининг режалаштирилган эксплуатацияга розилиги эътиборга олинмайди.

в) эксплуатация мақсадида болани ёллаш, ташиш, ўтказиш, яшириш ёки олиш ушбу модданинг (а) пунктида санаб ўтилган таъсир чоралари кўрилмаган бўлса ҳам «одам савдоси» ҳисобланади;

г) 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс «бола» ҳисобланади.

ОДАМ САВДОСИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Одам савдоси муаммоси яширин турдаги характерга эга эканлиги сабабли ушбу муаммонинг кўламини халқаро миқёсда аниқлаш жуда ҳам қийин масалалардан биридир.

Одам савдосининг аксарият жабранувчилари белгиланган давлатларда тазйиқ остида мажбуран нима ишлар билан шуғулланганликлари тўғрисидаги турли гап-сўзларни тарқалиши, ёлловчи ва қўшмачиларнинг таъқибидан қўрқиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишмайди.

Хориж давлатларида ишта жойлашиш ўйлаганимиздек ёки таҳмин қилганимиздек осон иш эмас, кўп ҳолларда катор хавфлар билан боғлиқ бўлади. Аёллар кўп томонлама кизиқтирувчи таклифларга розилик бериш билан бирга ўзларини кейинчалик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфга дучор қиладилар. Бу таклифлар айрим ҳолларда нотаниш кишилардан бўлгани каби танишларидан ҳатто-ки ўзларининг якин кишиларидан ҳам бўлади. Ушбу таклиф негизида аёлларни тикув цехларида, кишлоқ ва уй хўжалиги ишларида қўллаш учун сотиб юборилиши эса қўшимча мақсадлардан ҳисобланади.

Одатда аёлларни ёллаш жараёнининг ўзида уларни яхши иш ва яхши яшаш шароитлари билан таъминланишларини ваъда қилиб алдашади. Белгиланган давлатга етиб борганларидан сўнг уларнинг паспортлари олиб қўйилади ва сотиб юборилади.

Кейинчалик бу аёллар қўрқитиш, зўрлаш, шантаж ва бошқа йўллар билан шахвоний хизмат кўрсатишга мажбурланадилар.

Аввалига илтифот билан хорижга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва йўл чипталарини олишни таклиф этган кишилар кейинчалик уларга кўрсатилган хизматларнинг сарф-ҳаражатларини ўрнини коплаш учун қарзларни тўлашни талаб қилишади. Аёллар шу йўл билан ишлаб топган пулларининг асосий қисмини олиб қолувчи ўзларининг "мурувват кўрсатувчи"ларидан қарздор бўлиб қолишади. Бу кўринишдаги криминал бизнес одам савдоси билан шуғулланувчилар учун катта даромад келтиради, яна ва яна янги жабранувчиларни - алданган аёлларни талаб қилади.

Ўз "хўжайини"га тўлик қарам бўлган аёллар уларнинг ҳақоратлари, кўркитишлари, таҳқирлашлари, жисмий ва рухий зўравонликлари, ажратиб қўйишлари ва эркинликларини турли йўллар билан чеклаб қўйишларига чидашга мажбур бўладилар.

Жабрланувчи аёлларнинг тил билмасликлари бирор-бир кимса билан мулоқотда бўлишга имкон бермайди. Одам савдоси билан шуғулланувчилар аксарият ҳолларда уларни ёпиқ жойларда сақлайдилар, уларнинг ҳаракатлари устидан назоратни тўлиқ ўрнатиш учун эса алкоголь ва гиёҳванд моддаларидан фойдаланадилар.

Зўравонлик муҳити, депортация қилиниш, камоқ, жиноятчилар томонидан қалтакланиш ҳатто ўлим билан боғлиқ доимий кўрқув жабрланувчи аёлларни оғир рухий оқибатларни бошдан кечиришларига сабаб бўлади.

Доимий шафқатсиз муносабатлар, оғир шароитлар, шахвоний хизматлар билан мажбурий ва бетартиб шуғулланиш жабрланувчи аёлларнинг саломатлигига жиддий зарар етказишига сабаб бўлади.

ОИВ, жинсий алоқа орқали юқувчи ва бошқа касалликлар билан зарарланиш шу каби муносабатларнинг оқибатларидандир.

ОДАМ САВДОСИНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

УСУЛЛАРИ

- ёллаш
- ташиш
- топшириш
- яшириш ёки қабул қилиш

БЕЛГИЛАРИ

- зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўркитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари кўллаш
- ўғирлаш
- фирибгарлик
- алдов
- хокимият ваколатини суистеъмол қилиш
- пул олиш ёки тўлаш, барча кўринишдаги манфаатларга эга бўлиш

МАЖБУРЛАШ ЙЎЛЛАРИ

- фоҳишабозлик, шахвоний хизматлар, меҳнат эскплуатацияси ёки унинг бошқа кўринишлари билан шуғулланиш
- куллик ҳолатида ушлаб туриш, кулликка хос бўлган усуллари кўллаш
- маълум кўринишдаги меҳнат ёки хизматларни кўрсатишга мажбурлаш
- орган ва тўқималарни мажбурий ажратиб олиш
- аёллардан суррогат оналик ёки репродуктив мақсадларда фойдаланиш
- болаларни ноқонуний васийликка олиш
- тиламчилик билан шуғулланишга мажбурлаш
- ғайририжтимоий ёки ғайрисиёсий мақсадларда фойдаланиш

ОДАМ САВДОСИГА БЕВОСИТА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ИНДИКАТОРЛАР

1. АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР

ЁЛЛАШ

олиб ўтишга тайёрлаш ва йўл ҳужжатларини расмийлаштириш учун учинчи шахсларни жалб қилиш

ТАШИШ

шахс сохта шахсини тасдиқловчи ёки ишчи/йўл ҳужжатларга эга

ИНДИКАТОРЛАР

2. АЛДАШ, ЗАИФ ВА/ЁКИ ҚАЛТИС ВАЗИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, МАЖБУРЛАШ, ВАКОЛАТНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ

- шахснинг қарзлари бор, унга қарзларини ишлаб топган ойлик маошидан қайтариши мумкинлигига қафолат беришган

- ёлловчи ёки воситачи шахсга сохта ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни берган

- иш шароитлари, иш ҳаққи, яшаш ва бўлиш жойи аниқ айтилмаган, шунингдек иш берувчи тўғрисида аниқ маълумот берилмаган

- шахс жисмоний тазйиқларга тўқнаш келишидан, калтакланиш ёки гиёхванд моддаларни мажбурий истеъмол қилишга мажбурланишидан беҳабар

- шахснинг шахсини тасдиқловчи ва йўл ҳужжатлари олиб қўйилган

- шахсни назоратсиз эркин ҳаракатланишига рухсат берилмайди ёки махсус рухсат билан ҳаракатланишга мажбурланган

- шахс тутқунликда сақланади, жисмонан ушлаб турилади ва/ёки иш/яшаш жойида алоҳида ажратиб қўйилади

- шахс жисмоний ва маънавий ҳолатини суистеъмол қилинишига тўқнаш келади

- шахсни зўрлаш, шунингдек унинг яқинларига зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилишади

3. ЭКСПЛУАТАЦИЯ

ЭКСПЛУАТАЦИЯ КЎРИНИШЛАРИ

- фоҳишабозлик ёки шахвоний хизматлар эксплуатациянинг бошқа кўринишлари билан шуғулланиш

- куллик ҳолатида ушлаб туриш, кулликка хос бўлган усулларни қўллаш

- маълум кўринишдаги меҳнат ёки хизматларни кўрсатишга мажбурлаш

- орган ва тўқималарни мажбурий ажратиб олиш

- аёллардан суррогат оналик ёки репродуктив мақсадларда фойдаланиш

- болаларни ноқонуний васийликка олиш

- тиламчилик билан шуғулланишга мажбурлаш

ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҲОЛАТИ

- шахс ўзининг ихтиёрига қарши бирор хизматни бажаришига мажбур қилинади

- шахс ўз меҳнат ҳақини олмайди

- шахс хизмат ҳаққи сифатида олган маблағнинг кўп қисми олиб қолинади ёки олиб қолинган қисми хисобга олинмайди

- шахс яшаш учун ишлайдиган ёки хизмат кўрсатадиган жой ёки бинонинг ўзига жойлаштирилади

- шахсга яшаш жойини эркин танлаш ёки ўзгартириш ҳуқуқи қатъиян ман этилади

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ АНИҚЛАШ – ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ

- *БИЗ УЛАРНИНГ ЁРДАМ СЎРАБ ЧАҚИРИШЛАРИНИ ЭШИТМАЙМИЗ!*
- *БИЗ УЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШИМИЗ МУМКИН!*

НИМА УЧУН ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЗАРУР!

Агар бир томондан бевосита кўмак ва химояга мухтож бўлган одам савдоси билан боғлиқ жиноятдан жабрланувчи бўлса, иккинчи томондан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар иштирокида ушбу жабрланувчига кўмаклашиш борасида жиноятчиларни қонуний жавобгарликка тортувчи давлат мавжуд.

Лекин шунга қарамай келиб чиқиш давлатида бўлгани каби белгиланган давлатларда ҳам одам савдоси жабрланувчисининг кўрсатмаси етарли даражада бўлмаслиги сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мазкур жиноятга қарши курашишга қаратилган фаолиятлари тўлиқ олиб борилишида турли муаммоларга тўкнаш келинади.

Шахсни айнан шу жараёнда одам савдоси билан боғлиқ жиноят жабрланувчиси деб тан олинishi ёки идентификация қилиниши нафақат одам савдоси жабрланувчисининг ўзига балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорлар учун ҳам зарур.

Аксарият ҳолларда жабрланувчилар белгиланган (эксплуатацияда қўлланилган) давлатларда аниқланади, ватанларига қайтганларидан кейин ҳам уларга ёрдам берувчи структура мавжудлигидан беҳабар бўлишади, шу сабабга кўра ҳам улар ўзларига зарур бўлган дастлабки кўмакни олиш имкониятидан чегараланишади ва ўз навбатида хавфсизликларини таъминлаш мақсадида одам савдоси билан шуғулланувчиларга қарши кўрсатма беришмайди.

ЭКСПЕРТЛАРНИНГ БАҲОЛАШИЧА :

•Тахминан 65% одам савдоси жиноятдан жабрланганлар идентификация қилинмай қолади, зарур кўмак олиш имконияти тўғрисидаги маълумотни олишдан чегараланади ва ҳимояланмайди;

•Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар одам савдоси жабрланувчилари идентификация қилинмаслиги сабабли очилмай қолишда давом этади, улар одам савдоси билан шуғулланувчиларга қарши кўрсатма беришмайди, давлат ҳам ўз навбатида инсон ҳуқуқларининг ҳимояланиши борасида одам савдоси жабрланувчисига кўмак беришдан чегараланади ва жиноятчилар жазоланмай қолади;

•Одам савдоси жабрланувчилари ҳам ўзларини одам савдоси билан боғлиқ жиноятдан жабрланган деб ҳисоблашмайди.

Одам савдоси жабрланувчиларни аниқлашдан МАҚСАД

- ◆ ҳар томонлама муносиб ёрдам олиш имконини енгиллаштириш ва албатта одам савдоси жабрланувчи учун жамиятда мувоффақиятли реабилитация ва реинтеграция жараёнини яратиш;
- ◆ одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларни ҳимоя қилиш;
- ◆ вояга етмаганларга нисбатан алоҳида эътибор қаратиш;
- ◆ айбланувчиларни жавобгарликка тортиш.

Одам савдоси ҳеч қандай чегара ва ўлчовни тан олмайди: унинг домига соғломлар қаторида руҳий ёки жисмоний нуқсонлари борлар ҳам, катта ёшдагилар каби вояга етмаган болалар ҳам, оилалилар каби оиласидан ажрашганлар ҳам, фарзандлилар каби бефарзандлар ҳам, етуклик шаҳодатномасига эга бўлганлар каби ҳатто-ки ўз исмини ёза олмайдиганлар ҳам, жинсий алоқада тажрибаси борлар каби бокира қизлар ҳам, мулойимлар каби қўпол характерга эгалар ҳам тушишади.

Аmmo, уларни бирлаштириб турувчи бир нарса бор-ки – бу энг бошидан уларга нисбатан алдов, зўрлаш ҳаракатлари ва эксплуатациянинг қўлланилишига олиб келишга имкон берувчи заифликларидир.

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИНинГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

“ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИСИ”

• “Одам савдоси” ва “болалар савдоси” га берилган тушунчада кўрсатилган ҳаракатларга дуч келганликда тахмин қилинаётган ёки аниқ ҳолатлар билан тўқнаш келган жисмоний шахс.

• ЎзР ЖКнинг 135-моддасида кўрсатиб ўтилган тавсифловчи ҳолатлар натижасида шахсан ёки жамоа бўлиб жабрланган, шунингдек, рухий ёки ақлий саломатлигига ҳам шикаст етган, моддий ёки маънавий зиён етказилган, ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳаракат ёки ҳаракатсизлик йўли билан жиддий бузилган шахс.

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИСИНИ АНИҚЛАШ

• Ҳукуматнинг ваколатли мутассади вакиллари томонидан жамоат ташкилотлари иштирокида ёки ушбу шахсни ҳақақатдан ҳам жабрланувчи деб ҳисобланишини тасдиқловчи сабаблар етарли бўлса жамоат ташкилотлари томонидан ўтказилади.

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИСИНИнГ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ

• Ҳақиқатдан ҳам одам савдоси жабрланувчиси эканлигини тасдиқланишида тахмин қилинаётган шахсни текшириш жараёни.

Шунингдек тахмин қилинаётган одам савдоси жабрланувчисидан, жисмой ёки юридик шахслардан ушбу жабрланувчига нисбатан ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари содир этилганлиги тўғрисида мутахассис томонидан олинган маълумотлар асосидаги ҳаракатлар мажмуасини ифодалайди.


КИМ ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛАДИ?

Одам савдоси жабрланувчисини аниқлаш-идентификация қилиш – мутахассис томонидан тахмин қилинаётган жабрланувчидан, жисмоний ёки юридик шахсдан ушбу жабрланувчига нисбатан қўлланилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва содир этилган жиноят белгиларини одам савдосига берилган таъриф билан солиштириш орқали амалга оширилган комплекс тадбирлар ёрдамида ушбу шахсни одам савдоси жабрланувчиси деб эътироф этилишидир.

Одам савдоси жабрланувчисидан дастлабки олинган маълумотлар ҳар доим ҳам жабрланувчини идентификация қилишга етар бўлмайди. Жабрланувчига зарур пайтда муҳим: тиббий ва психологик ёрдам кўрстилиши, уни вазиятга тўғри баҳо беришига ёрдам беради, шундан сўнггина жабрланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга етарли маълумотларни бериши мумкин. Масалан, жабрланувчи билан дастлабки учрашувда уни эксплуатация жараёнида олган руҳий жароҳатлар оқибати таъсирида берган маълумоти жиноятни квалификация қилиш учун етарли бўлмайди.

Одам савдоси жабрланувчиларининг проактив идентификацияси – жабрланувчиларга қўмаклашувчи ихтисослашган мутахассислар ёки ташкилотлар актив тарзда тахмин қилинаётган жабрланувчиларни аниқлаб, ўзлари топишади. Бунинг учун уларни учратиш мумкин бўлган жойлар, тахмин қилинаётган жабрланувчи билан суҳбатлашиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қўмак олиш учун қаерга мурожаат қилишлари мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларни қай тарзда тақдим қилиниш усуллари таҳлил қилинади. Бу жабрланувчиларни аниқлаш бўйича энг самарали усуллардан ҳисобланади, чунки аксарият ҳолларда жабрланувчилар қаерга ва қай тарзда мурожаат қилишни билмасликлари сабабли аниқланмай қолади.

Одам савдоси жабрланувчиларининг реактив идентификацияси – жабрланувчиларни аниқлаш бўйича пассив стратегия ҳисобланади, масалан тахмин қилинаётган жабрланувчиларни аниқлаш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида маслаҳат маркази ташкил қилинади ва жабрланувчиларнинг ўзлари келиб мурожаат қилишлари кутилади. Жабрланувчиларни аниқлашни бундай усули самарасиз ҳисобланади.



ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАР

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИСИНИНГ РУҲИЙ-ИЖТИМОИЙ ПОРТРЕТИ

- Турли ёш ва жинсдагилар
- Катталар кузатувида бўлмаган болалар (вояга етмаганлар), меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар
- Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ўзида бўлмаганлар
- Моддий маблағларсиз
- Эксплуатация натижасида орттирилган оғир оқибатлар, руҳий номутаносиблик ҳамда руҳий функцияларнинг бузилганлиги
- Ҳадиксираш, кўркув ҳамда суҳбатдошга ишончсизлик
- Баъзи ҳолларда аксинча, суҳбат давомида ўзига ҳаддан зиёд ишониш, агрессияга берилиб кетиши, зўравонликларни бошидан кечирган шахснинг ўзига хос

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ҲОЛАТЛАРИ

- Мамлакатда узок муддат қолиб кетиши
- Уйга маблағ жўнатиб туриши
- Телефонда гаплашиб туриши
- Қочиб кетмаганлиги, кета олмаганлиги
- Доимий назорат остида бўлганлиги
- Танасида жароҳатлар борлиги
- Уюшган жиноятчилик занжири
- Қўркув, тахлика, безовталиқ
- Хавотирланиш

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИСИДА КУЗАТИЛУВЧИ БЕЛГИЛАР

- Алдов қурбони;
- Инсон ҳуқуқлари ва шахс кадр-қиммати паймол қилинган;
- Доимий назорат остида бўлган;
- Қарздорлик гирдобига тушган;
- Пул ишлай олмаган;
- 24 соатлик иш қунида ишлашга мажбурланган;
- Иш вақтини тўхтатиб, дам олишга қайта олмаган;
- Қарзларини тўлаш учун ишлаган;
- Қарамликка тушган;
- Қуч ишлатилган, таҳқирланган, зўрланган;
- «Мижозларга» хизмат кўрсатишни рад эта олмаган;
- Зўравонликларни бошидан кечирган;
- Ҳужжатлари йўқ;
- Белгиланган давлатда виза режими, мамлакатда бўлиш қоида ва тартибларини бузган, ноқонуний бўлган;
- Қамокхонада ўтирган;
- Ўзини бу каби жиноят қурбонига айланишини тахмин қилмаган.

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИСИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Одам савдоси жабрланувчисининг идентификация қилиш мақсадида йўналтирилган суҳбатларни давлат ва жамоат ташкилотларининг ўз мутахассислик йўналишлари бўйича фаолият олиб борадиган, шунингдек одам савдоси жабрланувчилари билан бевосита мулоқотда бўладиган ходимлар

ўтказишлари мумкин, жумладан

- Белгиланган давлатлардаги элчихона ёки консуллик ваколатхоналарининг вакиллари
- Халқаро ёки маҳаллий жамоат ташкилотларининг вакиллари
- Чегара ва божхона назорати ходимлари
- Полиция ёки милиция ходимлари
- Тиббиёт ходимлари
- Ижтимоий ходим
- Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИНДИКАТОРЛАР

- РУҲИЙ-ИЖТИМОИЙ ТАВСИФИ -

•оғирлик, ишончсизлик ва ўзига бўлган муносабат билан биргаликда дунёқарашини ҳам ўзгариши каби психологик реакциялар;

•руҳий жароҳат шахвоний характерда бўлгани сабабли кучли уят ҳисси (ўзини жабрланувчи ва айбсиз деб билганида ҳам суҳбат вақтида, шунингдек ўз оналари, яқинлари ва қўшнилари олдида уялиш);

•одамларга нисбатан ишончсизлик;

•иккиланиш, ишончсизлик ва янглишиш сифатлари;

•кўпчилик жабрланувчиларни

ўзлари ўйлаб топган исмлардан фойдаланиш ва бошқаларга мажбур қилинганлар, бу эса уларнинг ўзлигини касддан йўқ қилиш ҳаракатларидир;

•улар ўз ҳиссиётлари билан қарама-қарши бўлишлари мумкин, бунинг натижасида уларни қулликдаги ҳаёти тугаётган вақтдан бошлаб ўзларини психологик синган ҳис қиладилар;

•ўзларини кимларгадир ишонишгани ва қулликка тушиб қолганлари учун айблайдилар, аксарият ҳолларда бу ҳиссиёт ошириб кўрсатилади.

-ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ-

- қийноқ, зўрлаш, калтаклаш, жисмоний ёки руҳий таҳқирлаш, хўрлаш;
- жисмоний эрксиз ҳолда ушлаб туриш, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини йиғиб олиш, ажратиб кўйиш;
- каноатлантirmайдиган, талабга жавоб бермайдиган меҳнат шароити;
- оила аъзоларига нисбатан зулм ўтказишни таҳдид қилиш;
- озиқ-овқат истеъмолидан маҳрум

қилиш, сифатсиз овқатлантириш, тиббий хизматлардан фойдаланиш имконидан маҳрум қилиш;

- ойлик маошни тўланмаслиги ёки қисман тўланиши;
- мажбурий аборт, дори воситаларни олиш имконини бўлмаслиги ва бошқалар.

ПОТЕНЦИАЛ ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИСИНИНГ РУҲИЙ-ИЖТИМОЙ ПОРТРЕТИ

• аксарият ҳолларда яшаш шароити кийин бўлган, доимий ижтимоий-иқтисодий кийинчиликларга тўқнаш келиш тасодифи кўпроқ бўлиши сабабли жамоатда бўлиш кўникмаси бўлмаган;

• оилада, вояга етмаганлар ва/ёки ижтимоий заиф гуруҳга мансуб шахслар учун мўлжалланган муассасаларда бўлиш, яшаш вақтида ушбу муҳитдагилар томонидан ўз манфаатлари йўлида суистеъмол қилишларидан жабрланган. Ота-она

ёки яқинлари билан яшаётганда уларга етарлича эътибор қаратилмаган ёки ҳаммадан кейингина улар билан суҳбатлашилган;

• оилада, яқинлари томонидан ёки у ишонган одамлар томонидан балоғат даврига ўтиш пайтида зўрланишга тўқнаш келган;

• ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, ўзининг шахс-қадр қимматини паст баҳолайди.

ОДАМ САВДОСИГА САБАБ БЎЛУВЧИ ҚАЛТИСЛИКНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

ЖАМИЯТ

- тўлик бўлмаган, ноқобил оила, оиланинг бўлмаслиги (меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари), ташлаб кетилган болалар;

- ота-оналарнинг вафоти, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ва шу қабилардан сўнг болаларни қариндошлари ёки васийларнинг қўлида тарбияланиш;

- гиёҳванлик, ичкиликбозлик ва ота-оналарнинг тартибсиз жинсий

ҳаёти тарзи;

- оиладаги ахлоқсизлик, зўравонлик

- ижтимоий қалтис гуруҳга мансуб шахсларнинг ҳулқини жамоатчилик томонидан танқид қилиниши, эътибор берилмаслик ва бефарқлик,

- ижтимоий-иқтисодий заиф гуруҳга мансуб муҳит ёки шароитдаги жамоа билан яшаш билан белгиланади.

ГУРУҲГА МАНСУБЛИК

- Маълум муассасаларда яшаш

- Ноқобил, нотинч, тўлик бўлмаган оила, оилада ҳуқуқларини суистеъмол қилиниши

- Оилада ўзаро самимий мулоқотни етишмаслиги

- **И ж т и м о и й** дезинтергация

ШАХСИЙ ЮТУҚЛАР ВА ИНТИЛИШЛАР

- Тўлик бўлмаган, паст даражадаги маълумот

- Шахсий камол топишни амалга ошириш ва моддий мустақилликка эришиш истаги

МОСЛАШУВЧАНЛИК ВА ЮТУҚЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

- Ўзгаларнинг ижтимоий муҳитида эришган мувофақиятли эмиграциялари тўғрисидаги маълумотларни тез-тез эшитиш

- Хориж давлатларида мувофақиятга эришишга ишониш ва кутиб яшаш

- Хориж давлатларига чиқишни мақсад қилиш

ОДАМ САВДОСИ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА РЕИНТЕГРЦИЯСИ

Одам савдоси жабрланувчисининг жамиятга қайта мослашишлари ва ўз мавқеларини тиклашларида кўмаклашиш бўйича олиб бориладиган реабилитация ва реинтеграция жараёни

• **одам савдоси жабрланувчиларига аноним ва конфиденциаллик сақланган ҳолда кўмак олиш учун танлаш имконини бериш, реабилитация ва реинтеграцияни амалга оширилиши;**

• **кўрсатиладиган кўмак турлари ва шарт-шароитлар билан тўлиқ таништирилиши;**

• **жабрланувчининг психологик/жисмоний ҳолати, эксплуатация (шаҳвоний хизматлар ёки бошқа турдаги эксплуатация) натижасида олган жароҳат ёки шикастланишларини аниқ субъектив баҳоланиши;**

• **одам савдоси билан боғлиқ ҳар бир ҳолатга ўзига хос ва**

такрорланмас жараён сифатида индивидуаль ёндашиш;

• **одам савдоси жабрланувчиси билан боғлиқ ҳар бир маълумот фақат унинг розилиги билан тақдим қилиниши;**

• **оилавий поликлиникалар ва бошқа турдаги тиббиёт муассасаларида, умумий ҳужжатлар орасида одам савдоси жабрланувчисининг саломатлиги ва психологик ҳолати билан боғлиқ маълумотлар сақланмаслиги;**

• **одам савдоси жабрланувчисининг қизиқишларини (масалан, жиноятчиларга қарши кўрсатма бериш) инобатга олиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;**

• **одам савдоси жабрланувчисига кун ва тун давомида зарур кўмакни олиш имкониятини яратиш**

улар билан ишлашнинг энг муҳим аҳамият касб этувчи томони ҳисобланади.

НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Республикасининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида Қонунининг (17.04.2008 йил ЎРҚ-154-сон) ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар "ISTIQBOLLI AVLOD" ёшлар ахборот-маърифат маркази ва унинг ҳамкорлик тармоғи 2004 йилда одам савдосини олдини олиш борасида ўз фаолиятини йўлга қўйган, бугунги кунда **Миграция бўйича халқаро ташкилотининг "Марказий Осиёда одам савдосига қарши курашиш" лойиҳаси** доирасида фаолиятини олиб боради. Фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилар билан белгиланган:

- Ахборот кампанияси
- Жабрланувчиларни ортга қайтаришга кўмаклашиш
- Жабрланувчиларнинг реабилитация ва реинтегрцияси

АХБОРОТ КАМПАНИЯСИ

Долзарб алоқа тармоғи

Ўзбекистон Республикасининг Тошкент, Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Нукус, Самарқанд, Термез ва Урганч шаҳарларида Долзарб алоқа тармоғи ташкил этилди. Ушбу Долзарб алоқа тармоқлари орқали мурожаат қилувчиларга одам савдоси муаммоси, унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, шунингдек чет давлатларда қонуний ва расмий ишга жойлашиш тартиб-қоидалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқиш ва белгиланган давлатларга кириш бўйича маслаҳатлар берилди.

АХБОРОТ ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАРИ

Аҳолининг одам савдосидан хабардорлигини ошириш ва муаммони олдини олиш мақсадида чет давлатларда қонуний ва норасмий ишлашнинг оқибатлари ёритилган ҳамда одам савдоси жиноятдан жабрланганлар учун йўналтирилган ахборот материаллари: буклет, брошюра, плакат ва бошқалар тайёрланди ва тарқатилди.

Радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар тайёрланди, газета ва журналларда мақолалар нашр этилди, кўчалар ва метролардаги реклама шитларига ижтимоий рекламалар жойлаштирилди.

Одам савдоси ва миграция масалалари бўйича ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тўплами нашр этилди.

АХБОРОТ-ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси "Махалла" жамғрамаси, "Камолот" ЁИХ Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган «Аҳолининг, айниқса вояга етмаганлар, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш, улар орасида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш ҳамда одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш» бўйича 2009-2010 йиллар давомида ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар режаси асосида ҳамкорликда фаолият олиб борилди.

Мазкур ҳамкорлик режаси доирасида аҳоли орасида одам савдосини олдини олиш, унга қарши курашиш, жабрланувчилар реабилитациясида кўмаклашиш, уларга нисбатан салбий муносабатга барҳам бериш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинган Қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, акциялар,

учрашув ва шу каби бошқа тадбирлар ташкиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликдаги «Ўзбекистонда одам савдоси жабрланувчиларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни мутасадди ташкилотларга йўналтиришни ташкиллаштириш ва одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан шуғулланувчиларга қарши курашиш фаолиятини жадаллаштириш» лойиҳаси доирасида тузилган 2009-2010 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича мутасадди вакиллари иштирокида тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда хориж давлатларига ишлаш мақсадида кетаётган аҳоли ўртасида одам савдоси, ноқонуний миграциянинг хавфлари ва хориж давлатларига чиқиш тартиблари тўғрисида маълумот берувчи ахборот-тарғибот тадбирлар ўтказилиши йўлга қўйилди.

ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИ ВАТАНГА ҚАЙТИШЛАРИДА КЎМАКЛАШИШ

Аксарият ҳолларда одам савдоси жабрланувчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати – паспортининг “хўжайинлари” томонидан олиб қўйилиши, атайин йўқотиб юборилиши, яроксиз ҳолга келтирилиши, шунингдек жабрланувчиларни сохталаштирилган ҳужжатлар билан бир давлат ҳудудидан бошқа давлат ҳудудга олиб ўтилиши, вояга етмаганларни сохта ҳужжатлар билан олиб ўтилиши, келиб чиқиш давлатидан белгиланган давлатга айланма ёки транзит давлатлар орқали олиб ўтилиши ва ҳужжатларда давлат чегарасидан ўтилганлигини тасдиқловчи белгиларнинг бўлмаслиги жабрланувчиларнинг нафақат шахсларини тасдиқланиши балки уларни ортга қайтишларида ҳам қийинчиликлар туғдиради. Бу каби ҳужжатлардан фойдаланганлик ва белгиланган давлатда бўлиш тартиб-қоидаларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиш ва камок

тўғрисидаги кўрқитишлар жабрланувчилар устидан назорат ўрнатишга қулай имкон яратди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида одам савдоси жабрланувчиларини ватанларига қайтишлари учун шахсларини тасдиқланиши, ҳужжатларини қайта тикланишида кўмаклашилди.

Ушбу фаолият давомида ортга қайишларида кўмаклашилган жабрланувчиларни белгиланган давлатдан қайтишларида кутиб олиниб, уларга дастлабки руҳий ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятдан жабрланганларга кўмаклашиш, уларнинг бегиланган давлатлардаги ҳолатлари, одам савдосининг амалга оширилиш механизми билан танишиш мақсадида белгиланган давлатлар ўқув сафарлари ташкиллаштирилди.